ШАРИАТ НУҚТАИ НАЗАРИДАН ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Бабаханов Ҳамдам Қадамович
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси ўқитувчиси, майор
Бейжонов Асқарбек Қувондиқ ўғли
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги таълим Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти ихтисослиги бўйича таълим олаётган 2-ўқув курси 328-ўқув гуруҳи курсанти

Аннотация: Мақолада шариат нуқтаи назаридан ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш назарий ва амалий жиҳатлари таҳлил қилинган. Гуноҳ тушунчаси, инсон ҳуқуқлари ва жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш механизмлари асосий диққат марказида туриб, шариатнинг замонавий профилактика тизими билан интеграциялашуви кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: Шариат, ҳуқуқбузарлик профилактикаси, гуноҳ, инсон ҳуқуқлари, амалиёт, ижтимоий хавф, жамият, маҳалла.

Аннотация: В статье анализируются теоретические и практические аспекты профилактики правонарушений с точки зрения шариата. В центре внимания находятся понятие греха, права человека и механизмы предупреждения правонарушений в обществе, рассматривается интеграция шариата с современной системой профилактики..

Ключевые слова: Шариат, профилактика правонарушений, грех, права человека, практика, социальная опасность, общество, махалля.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш ҳар қандай жамиятнинг ижтимоий барқарорлиги ҳамда фуқаролар хавфсизлиги учун муҳим аҳамиятга эга. Шариат ҳуқуқида ҳам жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масаласи марказий ўринда туриб, нафақат жазо, балки тарбиявий ва ахлоқий чоралар орқали ҳам аҳолини ҳуқуққа риоя қилишга ундашга урғу берилади.

Шариатда ҳуқуқбузарлик профилактикаси тушунчаси кенг маънога эга бўлиб, у фуқароларнинг шахсий масъулияти, оилавий ва жамоат муносабатлари ҳамда диний-ахлоқий тарбия орқали ҳуқуқбузарликка мойилликни камайтиришга қаратилган чора-тадбирларни ўз ичига олади. Бу тизимда нафақат жазо, балки илғор тарбия ва жамоат назорати воситалари ҳам муҳим ўрин тутади.

Мақолада шариат нуқтаи назаридан ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси назарий жиҳатдан таҳлил қилинади, амалиётда қўлланиш имкониятлари кўриб чиқилади ва замонавий ҳуқуқий тизим билан интеграциялашув йўллари таҳлил қилинади. Шунингдек, маҳалла ва жамоат асосида профилактика тадбирларини ташкил этишда шариат ғояларидан фойдаланиш имкониятлари ҳам тақдим қилинади.

Шариатда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг назарий асослари

Ислом ҳуқуқида ҳуқуқбузарликни профилактика қилиш тушунчаси “гуноҳ” тушунчаси орқали ҳам ифодаланади. Гуноҳ сўзи форсчада жиноят ва айб маъноларига эга бўлиб, араб тилидаги “Жуноҳ” – хиёнат, гуноҳ сўзининг ўзгарган кўриниши ҳисобланади. Исломда гуноҳ — шариат қонунлари ва диний ақидаларга зид ҳаракат ёки ишдир.

Гуноҳ тушунчаси қадимда ҳам, ҳозир ҳам, барча динларда мавжуд бўлган умумий қоида ҳисобланади. Исломда жиноятнинг ҳар қандай кўриниши — моддий, маънавий, катта ёки кичик — қатъий қораланади ва ундан сақланишга буюрилади. Шу боис, ҳар бир мусулмон фуқаро учун гуноҳ амаллардан огоҳ бўлиш ва улардан сақланиш ижтимоий ҳамда шахсий бурч сифатида қаралади.

Шу билан бирга, ҳуқуқий нуқтаи назардан «жиноят» тушунчасини ҳам инобатга олиш зарур. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида (14-модда) жиноят шундай таърифланади:

“Ушбу Кодекс билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топилади. Ушбу Кодекс билан қўриқланадиган объектларга зарар етказадиган ёки шундай зарар етказиш реал хавфини келтириб чиқарадиган қилмиш ижтимоий хавфли қилмиш деб топилади.”.

Шу муносабат билан шариатдаги «гуноҳ» ва замонавий ҳуқуқдаги «жиноят/ижтимоий хавфли қилмиш» тушунчалари ўзаро тўқнашмасдан, аксинча бир-бирини тўлдиради: шариат ахлоқий-тарбиявий мезонни белгиласа, жиноятдан ҳимоя қилишнинг жамият ва давлат миқёсидаги ҳуқуқий механизмини Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс тартибга солади. Маъмурий меъёрлар эса қонунбузарликларнинг камроқ, лекин ижтимоий хавф туғдирувчи шаклларини тартибга солади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги ЎРҚ-371-сон Қонунида **Ҳуқуқбузарлик** — содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган айбли ғайриҳуқуқий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)[1] деб таъриф берилган.

[1] Ўзбекистон Республикасининг Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги ЎРҚ-371-сон қонуни

Ҳузайфа ибн Ямон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича: у Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан гуноҳ ишлар ва улардан сақланиш йўлларини кўп сўрар эди. Бу ривоят шариатда инсоннинг гуноҳдан сақланишга интилиши, билиб-билмай гуноҳга қарши иммунитетини шакллантиришининг муҳимлигини кўрсатади[2].

Шариатда катта гуноҳлар (кабира) қаторига: Аллоҳга ширк келтириш, айбсиз инсонни ўлдириш, муҳсина аёлни зинода айблаш, судхўрлик, етим молини ейиш, одамларни масхара қилиш, фирибгарлик ва зино қилиш каби амаллар киради. Бундай гуноҳлардан сақланиш фақат шахсий тарбия ва ахлоқий интизом орқали эмас, балки ижтимоий назорат ва шариатнинг профилактика механизмлари орқали ҳам таъминланади.[3]

Шариат ва замонавий давлат қонунчилиги ўртасида ҳамоҳанглик мавжудлиги эътиборга сазовор. Масалан, йўл ҳаракати қоидаларини бузиш ёки карантин талабларига бўйсунмаслик ҳам инсоннинг бошқаларга етказиши мумкин бўлган зарарига қараб катта ёки кичик гуноҳ сифатида баҳоланади. Бу ҳолатлар шариатдаги гуноҳ тушунчаси ва замонавий ҳуқуқдаги жиноят тушунчаси ўртасидаги узвий боғлиқликни кўрсатади.

Шунингдек, шариатда профилактиканинг асосий воситалари сифатида тарбия, ахлоқий таълим, диний қоидалар ва жамоат назорати эътироф этилган. Булар нафақат шахснинг гуноҳ қилмаслигига, балки ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга ҳам хизмат қилади.

Демак, шариат нуқтаи назаридан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси — бу фақат жазо ва жазога боғлиқ тизим эмас, балки инсоннинг ахлоқий тарбияси, жамоат назорати ва ҳуқуқий хабардорлигини бирлаштирувчи комплекс механизмдир. Ушбу назарий асослар замонавий профилактика тизими, шу жумладан маҳалла ва жамоат асосида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш амалиёти билан ҳам узвий боғланади.

Амалий жиҳатлар ва инсон ҳуқуқлари нуқтаи назаридан профилактикаси.

Исломда ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш фақат гуноҳни таъқиқлаш ва жазо билан чекланиш эмас, балки инсоннинг шахсий қадри, ҳуқуқлари ва ижтимоий масъулиятини таъминлаш орқали амалга оширилади. Инсоннинг ҳуқуқлари, аввало, у дунёда қандай мавқега эга эканлиги ва Аллоҳ олдидаги масъулиятига боғлиқ равишда белгиланади. Шу боис, ҳар бир шахс ўз ҳуқуқларидан фойдаланиши ва уларни сақлаши шартлиги таъкидланади.

Ислом таълимотларига кўра, инсон Аллоҳнинг ер юзидаги халифаси бўлиб, у жон, ақл, насл, мол ва дин каби беш асосий неъматни муҳофаза қилишга

[2] Имом Бухорий ривояти.Саҳиҳи Бухорий,7084-ҳадис.
[3] https://www.sammuslim.uz/articles/actual/har-qanday-jinoyat-gunoh-sanaladi?print=on

масъулдир. Ушбу беш асосий ҳуқуқ ва манфаатлар шариатда инсоннинг асосий ҳуқуқлари сифатида эътироф этилган ва уларни бузиш — гуноҳ ҳамда ҳуқуқбузарлик сифатида баҳоланади[4].

Шу нуқтаи назардан, профилактика тадбирлари амалиётда нафақат шахснинг гуноҳга мойиллигини камайтириш, балки унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ижтимоий фаоллигини таъминлашга қаратилган. Масалан:

- **Ҳаёт ва хавфсизлик ҳуқуқи** — инсон ҳаётига таҳдид солувчи қонунбузарликларни олдини олиш;
- **Фикр ва сўз эркинлиги, таълим олиш ҳуқуқи** — жамоат ва оилавий муҳитда ахлоқий ва маънавий тарбияни таъминлаш;
- **Мулкчилик ва мол-мулк ҳуқуқи** — ҳимоя чоралари орқали ўз молини ва бошқаларнинг мол-мулкини ҳимоя қилиш;
- **Эътиқод ва дин эркинлиги** — инсоннинг дини ва эътиқодига аралашмаслик, диний қоидалар асосида тарбия бериш.

Масалан, карантин қоидаларига бўйсунмаслик ёки йўл ҳаракати қоидаларини бузиш каби амалиётлар нафақат жамият учун хавфли, балки шариат нуқтаи назаридан ҳам гуноҳ ҳисобланади. Шу боис профилактика тадбирлари инсоннинг фаол ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқдир ва уларни ҳимоя қилиш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олди олинади.

Шу билан, Исломда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси нафақат катта ва кичик гуноҳларнинг олдини олиш, балки инсон ҳуқуқларини, қадр-қимматини ва ижтимоий адолатни таъминлаш механизмидир. Ушбу тизим замонавий профилактика фаолияти, жумладан маҳалла ва жамоат асосидаги профилактика тадбирлари билан ҳам узвий боғланган.

Шариат нуқтаи назаридан профилактика — бу инсоннинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ахлоқий тарбияни кучайтириш ва жамиятда ҳуқуқбузарлик содир бўлишини олдини олишга қаратилган комплекс механизмдир. Шунингдек, инсон ҳуқуқларини таъминлаш орқали, жамиятдаги ҳуқуқбузарлик хавфини ҳам самарали равишда камайтириш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, шариат нуқтаи назаридан ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш фақат жазо ва жазога боғлиқ тизим эмас, балки инсон ҳуқуқлари, қадри ва ижтимоий масъулиятини таъминлашга қаратилган комплекс механизмдир. Гуноҳ тушунчаси ва инсон ҳуқуқлари шариатда ўзаро боғлиқ бўлиб, уларни ҳимоя қилиш орқали жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг олди самарали равишда олинади. Шунингдек, маҳалла ва жамоат асосидаги профилактика тадбирларини шариат ғоялари билан интеграциялаштириш

[4] https://hidoya.uz/uz/news/1126

орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими замонавий ҳуқуқий тизим билан ҳамоҳангликда самарали амалга оширилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2023.

2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. 2024.

3. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисида кодекси. 2024.

4. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сон қонуни.

5. Имом Бухорий ривояти.Саҳиҳи Бухорий,7084-ҳадис.

6. https://www.sammuslim.uz/articles/actual/har-qanday-jinoyat-gunoh-sanaladi?print=on.

7. https://hidoya.uz/uz/news/1126